


Аллоҳ таолодан ғойибона қўрқиш



18:00 / 19.04.2019 4094

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

كَبِيرٌ ۝۱۲ وَأَجْرٌ مَّغْفِرَةٌ لَهُمْ بِالْغَيْبِ رَبَّهُمْ يَخَشَوْنَ الَّذِينَ إِنَّ

«Албатта, ўз Роббларидан ғойибона қўрқадиганлар учун мағфират ва улуғ ажр бордир» (12-оят).

Қуръондаги, умуман, Ислом динидаги бир тушунча, яъни Аллоҳ таолодан қўрқиш маъноси бизнинг тушунчамиздаги қўрқоқликдан тубдан фарқ қилади. Дунёвий қўрқоқлик мусулмонга хос нарса эмаслиги оят ва ҳадисларда таъкидлаб айтилган. Аллоҳ таолодан қўрқиш эса Уни улуғлаш билан бўлади. Бу қўрқув бандаларни катта гуноҳлардан қайтаради. Бу қўрқоқлик кишига уни назорат қилувчи Зот борлигини эслатиб туради ва унинг охирати учун улуғ бир неъмат тайёрлайди. Бу дунёдаги зоҳирий қўрқоқлик охират иши учун бўлган ботиний қўрқоқликка сира-сира

тенглаштирилмайди.

Ғойибона қўрқиш яна қуйидагича маъноларга эга:

1. Аллоҳ таолони кўрмасдан туриб, Унга ишониш ва тоат-ибодатда юриш.
2. Кўринмай турган азобдан эҳтиёт бўлиш.
3. Одамлардан четда, холи жойда ҳам Аллоҳ таолодан ғойибона қўрқиш.

Одатда, кишилар орасида ҳамма ўз диндорлигини намойиш қилишга уринади. Ҳақиқий диндор эса ўзи ёлғиз қолганда, узун тунлар ухламай, кўп ибодат қилади. Бу оятдаги ғойибона қўрқишда мазкур маънолар назарда тутиляпти. «Саҳар туриб, ибодат қил, бориб, гўрингда роҳат қил» деган ҳикматли сўз бекорга айтилмаган.

Ўзини Аллоҳ таолонинг бандаси деб ҳисоблаган ҳар бир шахс У Зотдан доимо қўрқиб яшаши керак.